



ТУРКМАНИСТОНДА ОСИЁ СПОРТ БАЙРАМИ

Бугун Ашхобод шаҳрида ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Мазкур турнирда Осиё давлатларидан 45, Океания минтақасидан 19, жами 64 мамлакат вакиллари иштирок этади. Мусобақаларда мамлакатимиз шарафини 189 нафар спортчимиз ҳимоя қилади.

Осиё ўйинлари дастуридан футзал, теннис, шохмот, муайтай, самбо, жиу-житсу, боулинг, велоспорт (трек), сузиш, енгил атлетика, ағир атлетика, спорт ракси, кик-боксинг, кураш, белбоғли кураш, туркман кураши, баскетбол (3x3), тазквондо (WTF), спорт курашлари (эркин,

юнон-рум ва аёллар кураши), бильярд, от спорти сингари 21 спорт тури ўрин олган. Спортчиларимиз бильярддан бошқа барча мусобақаларда иштирок этади.

V Осиё ўйинлари 27 сентябрга қадар давом этади. Спортчиларимизга омад ва ёрқин ғалабалар тилаб қоламиз.

Шунингдек, қардош Туркман халқига Осиё ўйинларидек нуфузли спорт байрамини юқори савияда ўтказишида муваффақият тилаймиз!

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Ашхобод шаҳридаги Олимпия стадиони

Тошкентда сув спорт турлари бўйича ёш тоифалари ўртасида IX Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Турнир Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз ҳамда Осиё сузиш федерацияси (AASF) томонидан ташкил этилди. Унда қўтғамизнинг 26 давлатидан минтага яқин спортчи иштирок этади.

26 ДАВЛАТ ОРАСИДА УЧИНЧИМИЗ

Осиё чемпионатида спортчилар Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган сузиш, сувга сакраш, сув полоси ҳамда синхрон сузиш турлари бўйича кураш олиб борди. Ўртимиз вакиллари сузиш бўйича 13 олтин, 7 кумуш, 11 бронза, жами 31 медалга жамғарган ҳолда умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мусобақанинг сувга сакраш баҳсларида 1 олтин, 5 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди. Сув полоси бўйича учрашувларда қизлар терма жамоамиз кумуш, ўғил болалар терма жамоамиз бронза медалига сазовор бўлди. Синхрон сузишда вакилларимиз 4 кумуш, 6 бронза медалига эга бўлишди. Натижада Ўзбекистон терма жамоаси барча турлар бўйича 14 олтин, 17 кумуш, 21 бронза медалга, жами 52 медалга жамғарган ҳолда умумжамоа ҳисобида Япония ва Хитой терма жамоасидан сўнг учинчи ўринни эгаллади.

Ўз мухбиримиз.

2 ОЛТИН, 3 КУМУШ ВА 8 БРОНЗА...

Кеча Осиё ўйинларининг дастлабки мусобақалари бўлиб ўтди. Спортчиларимиз жиу-житсу ҳамда туркман кураши бўйича мусобақаларда иштирок этди. Туркман кураши баҳсларида Илҳомжон Машрабов, Обидали Мавлонов олтин, Шаҳзода Эргашева, Гулхумарой Дадабоева ва Гулмира Исмаева кумуш медал билан тақдирланди. Яна 7 нафар спортчимиз бронза медалини қўлга киритди. Жиу-житсу бўйича Сухроб Усмонов бронза медалига сазовор бўлди.

Демак, Осиё ўйинларининг биринчи кунини ҳамюртларимиз жами 2 олтин, 3 кумуш, 8 бронза медали билан умумжамоа ҳисобида 2 ўринни эгаллаб турибди.

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

«O'ZBEKISTON SHAMPANI» АЖ балансидаги қуйидаги асосий воситалар, ушбу ташкилотнинг 2017 йил 14 сентябрдаги

06/823-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади:

№	Номи	И/ч йили	Миқдори	№	Номи	И/ч йили	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Акраторфор Е750	1979	12 дона	4	Ҳаво йигувчи	1989	8 м куб	1 дона
2	Ҳаво компрессори ПКС 5,25	нояник	1 дона	5	Филтр пресс	1978	10м куб/с	1 дона
3	Аммиак компрессори МКТ 280	1995	1 дона	6	Қозон ДКВР	1968	4/13	1 тўшлам

Гувоҳнома № 005357

«Болалар китоби» III республика фестивали — 2017

КИТОБ — ИЛМ ХАЗИНАСИ, ТАФАККУР МАШЪАЛИ

Пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида уч кун мобайнида «Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги» шиори остида ўтказилган «Болалар китоби» III республика фестивали ҳақиқий адабиёт байрамига айланди.

Карнай-сурнай садолари билан бошланган фестиваль рангбаранг тадбирларга уланиб кетди. Мактабгача таълим, касб ҳунар, олий таълим муассасаларидан келган болалар, ўқувчи ва талабалар, шунингдек, ота-оналар, бобожону бувижонлар боғ ўртасига ўрнатилган бош сахнада санъаткорлар ижросидаги концерт дастури, Республика ёш томошабинлар театри, қўғирчоқ театри артистлари ижросида спектакллардан сахна кўринишларини марок билан томоша қилдилар.

«Болалар адабиёти» журнали ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тонг юлдузи», «Класс», «Китоб дунёси» газеталари таҳририятлари ижодий жамоаси, ижодкорлар, ноширлар, матбаачилар билан учрашувлар ўтказилди.

Боғ йўлакларидан турли наشريётларнинг алоҳида-алоҳида ташкил этилган бири-биридан чиройли, юқори сифатли рангли китоблари кўзни қувонтиради.

— Мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят, шаҳар ва туман марказларида ана шундай китоб байрамлари ўтказилапти, — дейди **Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ахборот хизмати раҳбари, шоир Жўрабек Жаҳон**. — Анъанавий адабиёт байрамида шоир ва ёзувчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, ёш қаламкашлар билан ижодий учрашувлар ташкил этилди, янги китоблар тақдими, мушоиралар бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг бошида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш бўйича фармойиши эълон қилинган бўлса, кунин кеча «Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш» ҳақда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори чиқди.

Бу аҳоли ўртасида китобхонликни тарғиб этиш, ёшларнинг маънавий ва интеллектуал эhtiёжларини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг муомтоз ва замонавий бадиий асарларини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Ушбу фестивал ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилган. 2017 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 131 наشريёт, 1815 матбаа корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, Республика нашриётлари томонидан ҳар йили 4 минг номдан зиёд, умумий адади 50 миллион нусхадан ортиқ турли китоб махсулотлари нашр этилмоқда. 50 дан ортиқ наشريёт болаларга бағишланган китоб махсулотларини чоп этиб келмоқда.

— Мен Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида кафедра мудири бўлиб ишлайман, — дейди **Даврон Холмуродов**. — 8 нафар магистратура ва 30 нафар бакалаврият талабалари билан китоб байрамига келдик. Тадбир жуда уюшқоқлик билан ташкил этилган, санъаткорларнинг чиқишларини томоша қилдик. Битта тақлифим бор, бундан кейинги фестивалларда наشريётлар томонидан намойиш қилинаётган адабиётлар соҳалар бўйича алоҳида-алоҳида қўйилса яхши бўларди. Кимга қайси соҳадаги адабиёт керак бўлса, уни топши осонлашарди...

Фестивалда Республика

болалар ижодий жамоалари, «Булбулча», «Тантана» ҳамда ёш истеъдод соҳиблари «Китобсе-варларни қўлга олаймиз!» деб номланган концерт дастурини намойиш қилди, хайрия акциялари, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдиротлари, викториналар ўтказилди.

— Китоб байрамига ҳар йили невараларим билан келаман, — дейди **меҳнат фахрийси Шавкат Ҳидоят**. — Қаранг, бу ерда ҳақиқий халқ сайли бўляпти. Ярмаркада бири-биридан чиройли китоблар кўзни қувонтиради. Невараларимнинг ҳаммасига чиройли суратлар билан безатилган қизиқарли эртас китоблар олиб бердим. Ҳаммамиз хурсандимиз. Бундай тадбирлар халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилади, ёшларни кўпроқ китоб ўқишга ундайди.

— Байрам бу йил ниҳоятда бошқача ўтди, — дейди **«Тонг юлдузи» газетаси бўлим мудири, шоир Аҳтамкул Карим**. — Газетамизнинг фаол иштирокчилари бўлган ёш мухбирлар шоир ва ёзувчилар билан учрашиб суҳбатлашди. Уларга ижодкорлар дастхати қўйилган китоблар совға қилинди.

— Бугунги ҳаяжонимни, қувончимни сўз билан ифодалаш қийин, — дейди **ёзувчи Маҳкам Маҳмурдов**. — Бу маънавийнинг, адабиётнинг байрами. Болалар адабиётини ривожлантиришга эътиборни қаранг. Ёшларимизга яратилган бундай имкониятни кўриб, болалардай хурсанд бўляман, бола бўлиб яшараяман. Болаларимиз мушакил фикрлай оладиган, дунёни, оқ-қорани танийдиган бўлиши учун кўпроқ китоб ўқиши зарур. Бу байрам қувончлари ҳар бир маҳаллада, ҳар бир хонадонда давом этиши керак.

— Бизнинг компаниямиз экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишидаги адабиётлар нашр этишга ихтисослашган ягона наشريёт ҳисобланади, — дейди **«Chinog ENK» экологик-ноширлик компанияси директори ўринбосари Алишер Исмоилов**. — Фестивалда болаларга бағишланган ва экологик адабиётлар билан қатнашдик, викториналар ўтказиб, голиб чиққан ўқувчиларга китоблар совға қилдик.

Энди қаранг, ўзбек тили жаҳондаги энг бой тиллардан бири ҳисобланар экан. Алишер Навоий бобомиз ўз асарларида 26 мингдан ортиқ сўзни қўллаган экан. Агар уларни бошқа ижодкорлар билан таққослайдиган бўлсак, Пушкин 21 мингдан ортиқ, Шекспир 20 мингдан зиёд, Сервантес 18 мингдан зиёд сўз ишлатган. Ана шундай буюк бойлигимизни асраб-авайлаш, уни янада ривожлантириш, келажақ авлодларга етказиб бериш учун ҳаммамиз масъулмиз.

Китоб инсоннинг маънавий қувватини оширади, уни донишманд қилади, ёшларга энг тўғри йўлни кўрсатиб беради. Қани энда, ҳаммамиз ҳам китобни дўст деб билсак, телефонда соатлаб интернетни кавлаб, ёки ўзимиз тушунмайдиган ғалати мусиқаларни тинглаб, вақтимизни совириш ўрнига китоб ўқисак, билимимиз ошади, тафаккуримиз кенгайди. Мана шундай китоб байрамлари тез-тез ўтказилиб турилиши тарафдориман.

«Болалар китоби» III республика китоб фестивали 16 сентябрь кунини ўз ишига аяқлади. Унинг таровати дилларни чароғон, кўнгилларни китобга ошно қилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Жамият» газетаси таҳририяти фотомухбир Ҳаким Йўлдошевга отаси
Тоҳир ЙЎЛДОШЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan.

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaga manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938

9118

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21:15

Topshirilgan vaqti — 22:15

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7433

1 2 3 5 6



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI